

НАВОИЙ ЛИРИКАСИ МАСАЛАЛАРИ АБДУҚОДИР ҲАЙИТМЕТОВ ТАЛҚИНИДА

Омонова Севинч

Навоий давлат педагогика институти

Ўзбек тили ва адабиёти факультети

3-курс талабаси

Аннотация. Ушбу мақолада навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметовнинг Навоий лирикаси ҳақидаги қарашлари акс етган.

Калит сўзлар: лирика, бадий талқин, психологик тасвир, образ, қитъа, ғазал.

Навоий ижоди, унинг бой лирикаси ўзбек халқи бадий тафаккури тараққиётининг муҳим босқичини ташкил этади, жаҳон адабиёти тарихида бадий ижоднинг гўзал ва юксак чўққиларидан ҳисобланади.

Алишер Навоий ижодиётини ўрганиш юзасидан адабиётшунослик илми кўп ютуқларни қўлга киритди. Навоийни англаш, тушуниш, асарларини халққа етказиш йўлида қилиниши керак бўлган зарур вазифалар ҳам оз эмас.

Адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов илмий фаолиятида Навоий лирикасини текширишга доир тадқиқотлар алоҳида ўрин тутди. Шоир лирикасининг тадрижий тараққиёти, унинг мавзу кўлами, тур хусусиятлари, образлар тизими ҳамда шоир бадий маҳоратининг муҳим қирралари тадқиқотга бағишланган тадқиқотлари навоийшуносликнинг ютуғидир. Айниқса, олимнинг «Навоий лирикаси» китоби «шоир лирикасининг муҳим хусусиятларини ёритган дастлабки йирик тадқиқотлардан бири сифатида аҳамиятлидир»¹. Озарбайжон адабиётшуноси Акрам Жаъфар бир ўринда олимнинг бу борадаги фаолиятини баҳолаб, «Навоий лирикаси» китоби ҳақида: «Яқин Шарқ халқлари, биринчи навбатда туркий халқлар поэтикасига қўшилган катта ҳисса ва бу соҳада олға қўйилган катта қадамдир»², - деб ёзди.

Навоий лирикасини ўрганишда олим ҳамма вақт девон дебочаларига энг қимматли манба сифатида ёндошади. Навоий лирик меросининг жанр хусусиятларини ўрганиш масаласи шоир лирикасининг ўрганишдаги бош масала ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Абдуқодир Ҳайитметов лирика таҳлилида ҳар бир жанрнинг ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама текширади. Навоий лирикасида асосий ўрин тутувчи ғазал жанри таҳлилида олим ғазаллардаги

¹ Маллаев Н. Асрлар эътирофи ва таъзим. Тошкент: Фан, 1978. 50-бет

² Иқтибос қуйидаги манбадан олинди: Ё. Исҳоқов. Абдуқодир Ҳайитметов. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, №4. 1968. 70-бет

айрим байт ва мисралар қатига сингдирилган мазмун моҳият билан чекланиб қолмай, ундаги асосий йўналишни, ғазалнинг бутун руҳини ташкил этган ички қувватни текширади, шу боисдан ҳам уни яхлит ҳолда таҳлил қилади ва кенг умумлашма хулосалар чиқаради. Биргина «Навоий лирикаси» китобида шоирнинг шундай 76 та ғазали таҳлилида бунга гувоҳ бўламиз. Олим «ғазалга ўзбек адабиёти тарихида катта ўрин эгаллаган, ўз қонун қоидаларига эга бўлган бир бутун бадиий асар»³ сифатида қарайди, ғазалчиликда битта янги деталь ҳам шоирнинг ижодий ютуғи эканлигини таъкидлайди.⁴

Навоий ғазалларининг тили, услуби, композицион қурилиши, турли-туман байтларнинг мазмун ва шаклан бир-бирлари билан табиий боғланиб кетиш ва бошқа муҳим жиҳатлар тадқиқотчи ишларида нозик кузатилади ҳамда эътиборли фикрлар баён қилинади.

Бадиий адабиётнинг ҳақиқий тараққиёти сўз санъаткорларининг инсон қалбига, руҳиятига қанчалик кира олгани, сўз орқали унинг сезимларига таъсир кўрсата олгани билан аҳамиятли. Шеърят инсоннинг ички оламига, психологиясига чуқур таъсир ўтказиши билан қудратли. Бунинг учун эса унда психологик кечинмалар тасвири кенг ўрин олиши шарт.⁵ Навоий ижодидаги ички руҳий ҳолат тасвири, лирик қаҳрамоннинг ички аҳволи руҳиясини бутун чуқурлиги ва нозиклик билан тасвирланган ўринларни оддий ўқувчи тезда англай бермайди. Абдуқодир Ҳайитметовнинг бир талай тадқиқотларини яратилишида шоир лирикасидаги психологик тасвир ва унинг бадиий талқини масалалари сабаб бўлди. «Дунёвий лирикада психологизм»⁶, «Ғазалда психологик тасвир маҳорати»⁷, «Ғазалда ички руҳий ҳолат тасвири»⁸ сингари илмий-назарий мақолаларида Навоий ижодидаги ошиқнинг кўп ўринларда ошиқ-шоирнинг ички руҳий дунёсини очиб беришга қаратилган жиҳатлар, психологик тасвир билан боғлиқ хусусиятлар теран таҳлил қилинган.

Олим «руҳий ҳолат тасвири орқали образнинг моҳияти, инсоннинг ички дунёси очиб берилади»⁹, деганда тўла ҳақ. Шу билан бирга руҳий ҳолат тасвири Навоий асарларида алоҳида мақсадга эмас, ижодкорнинг ниятини чуқурроқ англашга, инсоннинг мураккаб ҳилқат эканлигини тўғри тушуниб олишга қаратилгандир. Ички руҳий ҳолат тасвири билан боғлиқ Навоий шеъриятидаги бу хусусиятлар унинг ҳасби хол мазмунидаги ғазал ва рубоийларида, мухаммас,

³ Валихўжаев Б. Навоий лирикаси ҳақида тадқиқот // «Ўзбек тили ва адабиёти» журналы, 1963.-№1, 74-бет.

⁴ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент: Фан. -1960 .108-бет.

⁵ Ҳаққулов И. «Табаррук излар изидан...» (Тақриз) // «Ўзбек тили ва адабиёти» журналы, 1979.-№10. 76-бет.

⁶ Ҳайитметов А. Табаррук излар изидан. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. 64-81 бетлар.

⁷ Ҳайитметов А. Мерос ва ихлос. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1985.-27-35 бетлар.

⁸ Ҳайитметов А. Навоийхонлик сўхбатлари. Тошкент: «Ўқитувчи» нашриёти 1993. - 60- 67 бетлар.

⁹ Ҳайитметов А. Навоийхонлик сўхбатлари. Тошкент: «Ўқитувчи» нашриёти 1993.-61-бет.

таржибанд ва бошқа жанрдаги асарларида ўрин олганлиги назарда тутилади. Шоир бадий маҳоратини ўрганиш борасида ички рухий ҳолат тасвир йўналишида уларни таҳлил қилиш зарурлиги ўртага ташланади.

Абдуқодир Ҳайитметов Навоий ғазалларидаги психологизмни лирик қаҳрамон ҳолати, ўй-кечинмалари асносида таҳлил қилар экан, бунда лирик қаҳрамоннинг ошиқлик ҳолатининг рухий манзараси «кўнгиллар ноласи», «ишқ дардида фиғон чекиб, Телба кўнглум жавридин андоқ паришон ҳолмен», «Хомтама кўнглим дудоғингни тилаб афғон қилур» каби кўнгил кечинмалари, ички дард, ҳаяжон ва изтироблари, қалб интилишлари, қайғу ва ҳасратлари тасвирида акс этса, психологик ҳолатнинг яна бир кўриниши баъзан ҳазил, кулгу орқали ифода этилганлигини кўрамиз. Олим бунга мисол тариқасида Навоийнинг бир байтида келтирилган кулгули ҳолатни: ошиқ ўз севгилисининг дудоғини, яъни лабини орзу қилиб, бошини ҳар деворга уриб фиғон чеккан ҳолатини ўқувчига қизиқарли тарзда етказди.

Навоий лирикасида ғазаллардан кейинги ўринда турувчи қитъа ва унинг ўзига хос хусусиятлари доим тадқиқотчи диққат марказида туради. Шоирнинг баъзи қитъалари кейинчалик унинг айрим ғазалларига асос бўлганлиги¹⁰ га гувоҳ бўламиз. Олим шу ўринда Навоийнинг қитъаларига сарлавҳа қўйиш сабабини кўрсатиб ўтиш орқали адабиётшуносликдаги баҳс-мунозарага ойдинлик киритади: «Навоий қитъаларининг ҳар бирига сарлавҳа қўйишининг сабаби шундаки, у ўз қитъаларининг ижтимоий аҳамиятини реал тушунар эди ва уларнинг ўз адресига (ўз эгасига-З.Қ) тўғри бориб етишини, тез англашини истар эди»¹¹.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг илмий ишларида Навоий лирикаси таҳлилининг мумтоз намуналарини кузатиш мумкин. Лирик асарлар таҳлили орқали ўқувчини бир дам бўлса-да, шу гўзал бўстонга тортади, санъат сеҳрини илғаш, маъно дурларини ажратиб олишни ўргатади.

Абдуқодир Ҳайитметов илмий тадқиқотларида кўтарилган ҳар бир масала алоҳида маҳсус ўрганишни, унинг илмий ва адабий меросини монографик жиҳатдан ёритишни талаб этади. Биз бу ўринда олим фаолиятининг айрим қирраларига эътибор қаратдик холос.

¹⁰ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент: Фан. 1960. 52-бет.

¹¹ Ўша асар, 55-бет.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Маллаев Н. Асрлар эътирофи ва таъзим. Тошкент: Фан, 1978. 50-бет
2. Ё.Исҳоқов. Абдуқодир Ҳайитметов. « Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, №4. 1968. 70-бет
3. Валихўжаев Б. Навоий лирикаси ҳақида тадқиқот // «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1963.-№1, 74-бет..
4. Ҳаққулов И. «Табаррук излар изидан...» (Такриз) // «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1979.-№10. 76-бет.
5. Ҳайитметов А. Табаррук излар изидан. Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
6. Ҳайитметов А. Мерос ва ихлос. Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1985.-27-35 бетлар.
7. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. Тошкент: «Ўқитувчи» нашриёти 1993. - 60- 67 бетлар.
8. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент: Фан. 1960. 52-бет.